

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факултети
«5640100-Ветеринария» таълим йўналиши**

КАЗАКОВ ИЛХОМ АБДУХОЛИҚОВИЧНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Мушукларда овариоэктомия техникасини такомиллаштириш”

Илмий раҳбар, доцент

Нарзиев Б.Д.

**Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик факултети
декани, доцент _____
Н.О.Фармонов
«_____» _____ 2012 йил**

**“Ҳайвонлар анатомияси,
физиологияси, жаррохлик ва
фармакология” кафедраси мудири,
доцент _____ Ҳ.Б. Ниёзов
«_____» _____ 2012 йил
№ _____ - сонли йиғилиш баёни**

САМАРҚАНД – 2012

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3
Президентнинг 308 ва 842-қарорлари	
Иқтисодий инқироз	
Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси	
Баркамол авлод дастури	
Мустаҳкам оила – жамият таянчи	
1.1. Мавзунинг халқ хўжалигидаги долзарблиги ва уни илмий асослаш.....	16
2. Адабиётлар таҳлили.....	19
3. Шахсий текширишлар.....	27
3.1. Материал ва текшириш услублари.....	27
3.2. Ҳайвонларнинг кўпайиш органларини анатомо-топографик тузилиши.....	31
3.3. Анъанавий усул билан овариоэктомия ўтказиш техникаси.....	35
3.4. Такмиллаштирилган усул билан овариоэктомия ўтказиш техникаси	44
3.5. Мушукларда такмиллаштирилган усул билан овариоэктомия техникасини таққосавий баҳолаш.....	45
4. Ветеринария ишини ташкил этиш ва унинг иқтисоди.....	46
5. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги.....	48
5.1. Мехнатни муҳофаза қилиш.....	48
5.2. Фуқаролар мудофааси.....	49
6. Қ/х да менежмент ва маркетинг.....	52
7. Хулоса ва амалиётга таклифлар.....	55
8. Фойдаланган адабиётлар руйхати.....	56
9. Илова (интернет маълумотлари ва расмлар)	58

1. Кириш

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов ҳар доим қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта аҳамият бериб келади. Республика аҳолисининг қорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қорвачиликнинг барча соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор бериш лозим. Олий мажлиснинг X сессияси кун тартибига бошқа муҳим масалалар билан бир қаторда улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш масаласи ҳам киритилган. Бу нима билан боғлиқ: Аввало бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни буни тақозо этмоқда. Ҳозир аграр тармоқ, яъни ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисmini ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқаришни ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоизидан ортиғини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. Бу масаланинг иқтисодий жиҳати иқтисодий соҳада мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолисининг нафақат катта қисмининг, балки бутун республика аҳолисининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

Энг муҳими бу муаммонинг сиёсий жиҳатидир. Бугун биз шуни тобора чуқур англаб етаяпмизки, умуман жойимизнинг янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши ва кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларида нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун нафақат амалиёт, балки фан олдида катта вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий кўрсаткичларидаги қудрати унинг буюклигига қараб аниқланади. Мустақилликнинг дастлабки йиллари-

даёқ мамлакатимизда туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ўзига хос йўли танланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойилларда бу ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Президенти И.А. Каримов томонидан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган йилқичиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Бу борада Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг бир қанча фармонлари ва қарорлари эълон қилинди. Булардан бири 23 март 2006 йилда чиқарилган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтирилишини рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” 308 – қарори ва “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2008 йил 21 апрелдаги ПК-842 қарори чорвачиликни ривожлантиришга яна бир туртки берди.

Республикимиз минтақасида кечаётган иқтисодий ислохотлар асосида янги мулкчиликда шаклланган типдаги хўжаликларни яратиш, бу хўжаликларни иқтисодий ва хусусий негизларини ишлаб чиқиш шу асосида аҳолини озиқ – овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, маънавий – мафкуравий янги дуне қарашни шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликлари ташкил этилганидан кейин, нафақат сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар таннархини пасайтириш муҳим аҳамият касб этади, бунинг хўжалик ичкарисидаги ишларига транспорт сифатида отлардан фойдаланиш маҳсулот таннархининг пасайтириб уларни рентабеллик даражасини оширади.

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.

Бугунги куннинг энг долзарб муоммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат.

Аввало жаҳон молиявий инқирози ҳақида.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланади. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тизимларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилиятига заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси ўз навбатида кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Биринчидан. Молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик қўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Иккинчидан. Авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатади. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекуляция амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлайди.

Учинчидан. Молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, қўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада-мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.

Тўртинчидан. Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чоратadbирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг қўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлади.

Ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар шуни кўрсатдики, бутун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида сўз бораётгани йўқ, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланмоқда, холос. Яъни бу, масалада вазият уш даражага етдики, энди аввалги марраларга қайтиш ҳақида сўз юритишга асос йўқ.

Муҳокамаларда инқирозни келтириб чиқарган сабаблар таҳлили бўйича саммит иштирокчиларининг ягона ёндашувига эга эмаслиги, шу боис ушбу глобал молиявий инқирознинг жиддий ва узоқ давом этадиган оқибатларининг бартараф этиш юзасидан умумий ва самарали дастур ишлаб чиқиш ҳақида гапиришга ҳали эрта экани аён бўлди.

Шу билан бирга, мазкур саммитнинг бўлиб ўтгани, унда жаҳон молия инқироzi билан боғлиқ муаммолар ва вужудга келган вазият муҳокама қилинганининг ўзи умид уйғотадиган ижобий ҳол экани шубҳасиз.

Жаҳон молиявий инқирознинг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига ҳос ислоҳат ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфатларимизни амалда ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасавурлардан воз кечдик.

«Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳатларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислоҳатчи сифатида маъсулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик.

Мамлакатимизни узоқ ва давомли манфатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндошув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади.

Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирознинг асосий сабабларидан бири – бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.

Мамлакатимизда биргина тижорат банкларининг активлари миқдори, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари туғрисида» ги конунга мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошади. Бу аҳоли ва хўжалик юрутувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир.

Шу борада 2006 йилда ташкил этилган «Микрокредитбанк» нинг фаолияти хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Мамлакатимиз ҳудудларида 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки фаолият кўрсатаётган мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини кредитлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

2007-2008 йиллар давомида ушбу банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Президент фармони асосида «Микрокредитбанк» устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Яна бир масала – ташқи қарз ва уни узиш муаммолари билан боғлиқ.

Шуни айтиш керакки, кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ночор аҳволга солиб қўйганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли

ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.

Шуни ҳам қайд этишни истардимки, қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишончимиз ва кафолатимиз бўлмаган пайтларда муайян лойиҳаларни кредитлаш бўйича айрим таклифлардан воз кечган ҳолатларимиз ҳам бўлди.

Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юритганда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт - шароитлар яратилганлигини амалда исботламоқда.

2007-2008 йиллар давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми, 2,5 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва кичик инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг камида 25 фоизини ташкил этади.

Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асосий тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора - тадбирлар ҳам изчиллик билан амалда оширилмоқда.

Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан тобора чуқирлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизда таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди.

Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим- Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалда оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир - оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади.

Шубҳа йўқ жаҳон молиявий инқрозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт - шароитлар мавжуд. Аввалом бор кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳатининг пухта пойдеворини, молиябанк тизимининг ишончини бошқарув механизмларини ўз вақтида шакиллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Ўзбекистон республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган фармони билан жаҳон молия инқрозининг оқибатларига қарши кураш йўлида банк ва молия тизимларига қўшимча ёрдам бериш, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва компанияларининг фаоллигини кучайтириш ва

рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларини ишга солиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, катъий, ҳар томонлама ўйланган кенг кўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда.

Албатта, мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади.

Баркамол авлод йили Давлат дастури.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2009 йил 5 декабр куни мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги “Ўзбекистон Конституцияси биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир” мавзусидаги маърузасида 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПК 1271-сонли қарори билан “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тасдиқланди. У 11 бўлим ва 101 банддан иборат.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг мазмунига кўра: мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама етук шахслар этиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга ошириш белгиланган.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурини моҳияти Президент И.А. Каримовнинг 2010 й. 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги

“Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда 2009 йилни асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузасида очиб берган.

Дастур бўлимлари қуйидагилардан иборат:

1. Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

2. Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий техника базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш.

3. Таълим соҳасида моддий-техника базаси шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган мутахассисларни тайёрлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услугий адабиётларни такомиллаштириш.

4. Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобига мамлакатимиз мактабларида касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш.

5. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет

тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш.

6. Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тайёрлаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини куриш ва жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан таъминлаш.

7. Ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш.

8. Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб этиш.

9. Ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш.

10. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистлик марказлар ҳамда паст савияли “оммавий маданият” иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш.

11. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот, тушунтириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси ОўМТ вазирлигининг 2010 йил 9 февралдаги 212-сонли ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2010 йил 10 февралдаги 31-Қ-сонли қарорлари билан Давлат дастури бандларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Тармоқ дастури тасдиқланган.

Институтимизда “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ҳаракат дастури ишлаб чиқилган ва

2010 йил 26 февралдаги 46-сонли буйруқ билан тасдиқланган. Институт хусусиятидан келиб чиққан ҳолда “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг 45 та банди бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271 сонли “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарорининг институтдаги ижроси мониторингини олиб бориш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, Давлат дастуридаги вазифаларни институтда амалга ошириш бўйича кенгаш таркиби, Давлат дастури тўғрисидаги қарорнинг аҳоли ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида тарғибот-ташвиқот қилувчи ишчи гуруҳ таркиби 2010 йил 1 мартдаги 60-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Мустаҳкам оила – жамият таянчи

Жорий йилнинг “Мустаҳкам оила” йили деб эълон қилиниши муносабати билан 2012 йилга белгиланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан жамиятнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг аҳамиятини юксалтириш, ҳар бир оиланинг моддий фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан эътибор ва ғамхўрлик кучайтирилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди (И.А.Каримов 2011йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Зарафшон газетаси.2012 йил 21 январ).

Муҳтарам Юртбошимиз таклифи асосида 2012 йилнинг юртимизда “Мустаҳкам оила йили” деб номланиши эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришга хизмат қилади.

Бош қомусимизнинг мазкур бобида оила жамиятининг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрий

розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навбатида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ўз ифодасини топган.

Оила аталмиш муқаддас кўрғонга илк қадам тизимдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ва никоҳ уйларида бошланади.

Бугунги кунда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва “Оила” илмий амалий маркази ҳамкорлигида ФХДЁ бўлимлари, Никоҳ уйлари қошида ташкил этилган “Оила дорилфунуни”, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган “Ёш оила қурувчилар мактаби”нинг фаолияти муҳим ўрин тутмоқда.

Бу ўқув машғулоти ФХДЁ бўлимлари ходимлари билан бирга тиббиётчилар, маҳалла маслаҳатчилари, хотин-қизлар кўмиталари масъуллари, маънавият тарҷаботчилар, ибратли оилалар вакиллари томонидан олиб борилмоқда. Мазкур тадбирларда мамлакатимиз оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжалар моҳияти ёшларга тушунтирилмоқда. “Ёш ота-оналарга” ва “Ёш келин-куёвларга”, “Ёш оила қурувчиларга” номли эслатмалар, “Қайнона бўлиш илми”, “Куёв бўлиш илми”, “Келин бўлиш илми” мавзусида рисоалар тарқатилаётир.

Қонунчиликни янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш ҳамда ФХДЁ бўлимлари ходимлари томонидан фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилади. Тизимдаги идоралар аynи пайтда ана шу талаблар асосида фаолият кўрсатишга интилмоқда.

1.1. Мавзунинг долзарблиги

Ҳозирги пайтда ветеринария фани ва амалиёти олдида катта вазифалар турибди. Яъни барча турдаги хайвонларнинг юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликлари олдини олиш, даволаш мақсадида янги фикрлар, янги янги профилактик ва терапевтик препаратлар, янгича замонавий, иқтисодий самарадор ва тезкор даволаш усуллари, хирургик операцияларнинг янги такомиллаштирилган ва тезкор усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш бугунги кун соҳа мутахассисларининг олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Аҳоли сони жадал равишда кўпайиб бораётган бундай даврда уларни қишлоқ хўжалиги жумладан, чорва маҳсулотларига бўлган талабларини қониқтириш нафақат ветеринария мутахассисларининг балки бутун инсониятнинг олдида муҳим вазифа қилиб юклатилди. Бундан ташқари маҳсулот берувчи ва турли хил хизмат мақсадларда боқиладиган хайвонлардан ташқари декоратив хайвонлар баъзи ит зотлари турли хилдаги қушлар, мушуклар ва шунга ўхшаш хайвонларнинг соғлигини сақлаш, уларни доимий назорат ва кўриқдан ўтказиш биз ветеринария мутахассисларининг вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳамма олиб борилаётган ислохотлар – инсон учундир, Унинг баркамол ва тўқис яшаши учундир. Инсонларнинг эстетик ва рухий ҳолати кўп омилларга боғлиқдир. Жумладан хонадонларда ана шундай декоратив хайвонларнинг сақланиши инсонларни яшаш тарзига бир мунча ижобий таъсир этади.

Мушуклар қадим замонлардан бери инсонлар билан ёнма-ён яшаб келаётган уй хайвонларидан бири сифатида саналади. Уларнинг жуда кўп турлари ҳозиргача олимлар томонидан урчитилиб, кўпайтириб келинмоқда. Мушукларнинг яшаш тарзи инсонлар билан бевосита биргаликда, контактда яшаганликлари учун уларнинг соғлигини доимий назорат остида тутиб туриш лозим. Чунки улар ҳам итлар сингари баъзи зооантропоноз касалликларини тарқалишида асосий иштирокчи вазифасини ўтайдилар.

Жумладан энг хавфли зооантропоноз касалликлардан бири кутириш касаллигини тарқалишида мушукларнинг, жумладан дайди мушукларнинг роли жуда ҳам катта. Шунинг учун ҳам дайди мушуклар сонининг кўпайиши ҳам ветеринария ва ҳам тиббиёт соҳаси мутахассислари олдига турли ҳалдаги муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Айниқса мушуклар кўпайиш даврларида безовталаниб, аҳолининг тинчлигини бузади.

Мушуклар биологик тез кўпаядиган ҳайвонлар сирасига кириди. Шунинг учун ҳам уларни сонини назоратда тутиш, дайди мушукларни доимий равишда йўқ қилиш зарур. Шу мақсадда мушукларни ахталаш ишларини олиб бориш юқорида айтиб ўтилган муаммоларини ҳал этишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Маҳсулдор ҳайвонлар ва паррандалардан юқори сифатли, тез ҳазм бўладиган парҳез гўшт маҳсулотларини олиш учун ахталаш усулини қўллаш таклиф қилинган (Н.С. Островский, 1978).

Ахталанган мушукларни тинчланиши натижасида биринчидан шикастланишни олдини олиш мумкин, иккинчидан кераксиз, ёввойи мушуклар кўпайишини олдини олиш мумкин (Г.С. Кузнецов, 1980, К.И. Шакалов, 1981, Д.М. Гианадинов, 1974 ва бошқалар).

Мушукларни ахталаш ва уни ҳайвон организмига таъсири, ахталашнинг самараси ва шу билан боғлиқ бошқа масалаларга етарлича текширишлар олиб борилган.

Охирги йилларда Самарқанд шаҳрида дайди мушукларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Улар ҳар хил касалликларни тарқалишига ҳам дайди мушукларни кўпайиши сабаб бўлиб келмоқда.

Мушукларни сонини камайтиришни бирдан-бир усули уларнинг кўпайишини олдини олишдир. Бу масалани ҳал қилишда айниқса урғочи мушукларни ахталаш - овариоэктомия операциясини амалга ошириш, яъни тухумдонини олиб ташлаш (ахталаш) билан амалга ошириш мумкин. Барча урғочи ҳайвонларда, жумладан урғочи мушукларда ҳам овариоэктомия операция техникаси усули ишлаб чиқилган. Ушбу операция анъанавий

усулда ўтказилганда кесим оқ чизик бўйлаб амалга оширилади. Бу усул билан операция қилинганда мушукларда операция даврида ва операциядан сўнг ҳар хил асоратлар вужудга келади:

Биринчидан кесим узунлиги 10-12 см узунликда олиб борилади.

Иккинчидан бачадон тухумдон билан биргаликда тўлиқча ташқарига чиқарилади.

Учинчидан жароҳат катта бўлганлиги учун жароҳатнинг битиш жараёни тез бўлмайди ва чандиқ ҳосил бўлиши кечиктирилади.

Катта шаҳарларда мушукларни сонини камайтириш мақсадида уларнинг тухумдони олиб ташлаш, яъни овариоэктомия ўтказиш таклиф қилинади. Овариоэктомия ўтказишга нисбий кўрсатмалар бу: Мушукларни хохламайдиган ҳомилани олдини олиш, куйга келиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг олдини олиш, сут безларининг ўсмаларини ривожланишини олдини олиш. Овариоэктомия ўтказишга мутлоқ кўрсаткичлар: пиометра, тухумдон ва бачадон ўсмалари. Ҳозирги пайтда клиник амалиётда янги операция қилиш усуллари ишлаб чиқилмоқда ёки олдин ишлаб чиқилган усулларни такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Бу усулларни самарадорлиги жароҳатларнинг битиш муддатини қисқартириш ва операциядан кейин ҳайвонни тезроқ тикланишига қаратилиши керак. Юқорида айтилганларни инобатга олган ҳолда бизлар малакавий битирув ишларини “Мушукларда овариоэктомия техникасини такомиллаштириш мавзусига бағишладик.

2. Адабиётлар таҳлили

Урғочи ҳайвонларни ахталаш, яъни овариоэктомия бу жинсий безлар фаолиятини сунъий йўл билан тўхтатиш (И.И. Магда, 1970, Г.С. Кузнецов, К.И. Шакалов, 1974, Э.И. Веремей, В.М. Руколь, 2003).

И.И. Магда (1990) нинг маълумотларига кўра урғочи мушукларда 6-8 ойдан бошлаб куйга келиш кузатилади, бу эса ҳайвонни безовталантиради.

В.Б. Борисевич (1993,2000), К.И. Шакалов (1986) ларнинг маълумотларига кўра хирургик касалликлар барча ички юқумсиз касалликларни 50-60 % ини ташкил қилади.

Овариоэктомия бу - тухумдонни олиб ташлаш операцияси. Бу операция барча турдаги ҳайвонларда ўтказилади, лекин ит ва мушукларда кўпроқ олиб борилади. (Магда М.И. ва бошқалар, 1990; Рустамов Х.К. ва бошқалар, 1997).

Бунинг оқибатида гормонлар фаолияти ўзгаради, яъни гормонларни ишлаб чиқарилиши тўхтади, бу эса ҳайвонни куйга келишини тўхтатади. Овариоэктомиянинг мақсади бу керак бўлмаган ҳомилани олдини олишдир. Операция умумий оғриқсизлантириш билан олиб борилади. Овариоэктомия ўтказганда кесим қорин ўртасидан медиал олиб борилади (Петраков К.А. ва бошқалар, 2004).

Урғочи мушукларни ахталаш овариоэктомия дейилади, агар бунда бачадон ҳам олиб ташланса овариогистерэктомия деб аталади. Бу операцияни ўтказишга кўрсатмалар нисбий ва мутлоқ бўлиши мумкин. Нисбий кўрсатмаларга қуйидагилар киради:

1. Хохламайдиган ҳомилани олдини олиш;
2. Куйга келиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни олдини олиш;
3. Сут беи ўсмасини ривожланишини олдини олиш.

Мутлоқ кўрсатмаларга қуйидагилар киради:

1. Пиометрия;
2. Бачадон ва тухумдон ўсмалари (Б.А. Борисевич, 1996).

Овариоэктомия умумий оғриқсизлантириш, яъни наркоз билан олиб борилади. Медиал кесим билан лапаратомия қилинади ва бачадон тухумдон биланбирга олиб ташланади (Петраков К.А. ва бошқалар, 2004).

Мушуклар одамнинг олдида яшайди ва у билан жуда яқин бўлган ҳайвон ҳисобланади. Мушуклар зоти 60 хил, улар оиласига 35 та тур киради. Улар ҳар йили 4-5 % кўпаяди (Филипов Ю.Н., 1991, Матвеев Л.В., 1998).

Мушукларни стерелизация қилиш орқали уларнинг популяциясини бошқариш мумкин. Ҳозирги пайтда кўпгина ҳолларда хирургик йўл билан буни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (Степаненко М.В., 1998; Баранов О.Б., 2001; Лебедев К.А. ва бошқалар, 2000).

Биороги В. (1999) маълумотига кўра Европа давлатларида 50 % мушуклар овариоэктомия қилинган.

Виденин В.Н. (1996, 2000) нинг таъкидлашича оператив хирургияни ривожланиши операция усуллари тақомиллаштириш билан боғлиқ.

Юқори частотали электрохирургия шундай усуллардан бири бўлиб ҳисобланади, чунки у сиз малакали операция қилиш иложи йўқ (Храмов Ю.В., 1998, Длецкий С.Я., 1980).

Электрохирургик усул билан стерелизация ўтказишнинг афзаллиги: ҳам қон йўқотиш камроқ, операция ўтказиш муддатини қисқариши, жароҳатни йирингли асоратланишини пасайиши (Логанов А.В., 2002).

Электрохирургик усул билан стерелизация қилиш Логанов А.В. (2002) ни таъкидлашича операция ўтказиш вақти 15 минутга қисқаради. Бу усул билан жароҳат асоратланмасдан 7 кун ичида битади.

Охирги пайтларда мушукларни кўпайиши катта муаммо бўлиб ҳисобланади. Битта мушук 4000 авлод бериши мумкин. Шунинг учун уларнинг сонини бошқариш керак. Буни мушукларни овариоэктомия қилиб бошқариш мумкин (Бироги В., 1999).

Тухумдоннинг гистологик тузилиши

Ибрагимов Ш.И. ва бошқ. “Цитология, гистология ва эмбриология”. Тошкент 1998.

Тухум хужайра ҳамма ҳайвонларда нисбатан йирик хужайра ҳисобланиб, кўпинча юмалоқ шаклга эга, ўзак, ўзакча органеллалар ва кўп миқдорда цитоплазмаси бор. Тухум хужайра цитоплазмасида оқсил табиатли киритма - сариқ модда учрайди ва бу модданинг миқдорига асосланиб тухум хужайралар классификасия қилинади. Сариқ моддаси кам тухум хужайралар - олиголецитал, сариқ моддаси ўртача миқдордаги тухум хужайралар - мезолецитал ва сариқ моддаси кўп тухум хужайралар - полилецитал тухум хужайралар фарқ қилинади.

Сариқ модданинг цитоплазмада жойлашишига кўра, изолецитал ёки гомолецитал тухумлар (бунга олиголецитал тухумлар мисол бўлади), телолецитал тухумлар (бунга мезо- ва полилецитал тухумлар мисол бўлади) ва сентролецитал (айрим ҳашаротлар тухуми) тухумлар учрайди. Изолецитал тухумларда сариқ модда цитоплазмада бир текис тарқалган, телолецитал тухумларда кутблардан бирига, сентролецитал тухумларда эса марказга тўпланган бўлади.

Оталаниш оналик ва оталик жинсий хужайралари (гаметалар)нинг қўшилишидир. Натижада зигота ҳосил бўлади ва ундан янги организм таракқий қилади.

Уруғ суюқлиги урғочи ҳайвон жинсий йўлларга киритилган (уруғланиш) дан сўнг спермийлар тухум хужайрасига яқинлашади ва махсус ферментлар ёрдамида фолликуляр хужайраларни бирлаштириб турувчи мукополисахаридларни парчалаб нурли тож дейилувчи иккиламчи пардани емира бошлайди. Бунинг учун маълум миқдордаги уруғ хужайралари талаб қилинади ва сунъий уруғлантиришда спермани ҳаддан ташқари суюлтириб юбориш ярамайди. Кейин спермийлар тухум хужайранинг ялтироқ пардаси ичига киради ва ниҳоят бошчаси билан сариқ (вителлин) пардага тегиб, унинг думчаси ҳаракатдан тўхтади. Тухум хужайра ва спермий ўзаро мураккаб таъсир кўрсатиб, спермий тухум хужайра ичига киритилади. Вителлин парда қалинлашиб, оталаниш пардасига айланади ва тухумга бошқа сепрмийларнинг киришига тўсқинлик қилади. Полиспермияда ҳам

зигота ўзагининг шаклланишида фақат бир спермий иштирок қилади, қолганлари эса ёрдамчи аҳамиятга эга. Оталаниш юз берганда спермийнинг бошча ва бўйинчаси тухум хужайра ичига киритилиб, қолган қисмлари ташқарида қолади ва аҳамияти йўқ. Спермий тухум хужайра ичига киритилиши билан тухумнинг етилиши тугалланади. Спермийнинг ичкарига киритилган бошчаси шишиб оталик пронуклеусига айланади. Етилган тухум хужайранинг ўзаги эса оналик пронуклеусини ҳосил қилади, иккала пронуклеус ҳам зиготанинг марказига қараб силжийди.

Спермий томонидан киритилган центросома иштирокида митоз дуки ҳосил бўлади. Икки пронуклеуснинг умумлашиб, цинкарион ҳосил қилиши организмларга хос диплоид тўпламга эга ўзакнинг тикланишига олиб келади. Пронуклеусларнинг қобиғи эриб кетади, тухум хужайра ва спермий хромосомалари экваториал пластинка шаклида жойлашиб, эмбрионал тараққиётнинг навбатдаги босқичи - майдаланиш бошланади.

Жинсий кўпайиш жараёнида ота ва она генларининг рекомбинацияси юз беради. Бунинг натижасида турли индивидлар, линиялар, зотларда юзага келган генетик ўзгаришлар аста-секин тур ичида аралашиб кетади, рекомбинацияланади ва бутун тур учун хос бўлиб қолади. Вегетатив кўпайишда индивидлар орасида генларнинг аралашishi юз бермайди ва индивид нима хоссага эга бўлса, бу унинг авлодларининг ҳам хоссаси бўлади. Демак жинсий жараённинг асосида тур ичида генетик айнан ўхшаш авлодлар ҳосил бўлишига қарши, тур ичидаги индивидлар хилма-хиллигини юзага келтирувчи механизм ётади. Шу сабабдан ҳайвонларда генетик айнан ўхшаш индивидлар (монозигот егизаклардан ташқари) учрамайди.

Вегетатив кўпайиш натижасида ҳосил бўладиган индивидлар “она” организмнинг генетик аниқ нусхаси ҳисобланади. Микроорганизмлар, ўсимликлар ва содда ҳайвонларга хос клонлар ҳосил қилиш ҳайвонот оламининг кейинги эволюцияси натижасида йўқотилган. Аниқроғи бундай хусусият кўп хужайрали ҳайвонларнинг вояга етган индивидларида йўқотилган бўлса, уларнинг эмбрионларида сақланиб қолган.

Майдаланиш. Майдаланиш зигота ҳосил бўлгач юз берадиган жараён бўлиб, бунинг натижасида зигота кўп хужайрали эмбрионга айланади ва бластула ҳосил бўлади. Майдаланиш митоз бўлиниш бўлиб бу вақтда ҳосил бўлаётган эмбрионал хужайралар - бластомерлар ўсмайди, чунки интерфаза-нинг Г даври боўмайди.

Ҳар бир навбатдаги бўлинишдан кейин бластомерларнинг ҳажми кичиклашиб боради, ҳамма бластомерларнинг умумий ҳажми зиготанинг бошланғич ҳажмидан ошмайди. Майдаланиш шу турга хос организмлар соматик хужайраларидаги ўзак-цитоплазма мутаносиблиги тиклангунча давом этади. Тухум хужайрадаги сариқ модданинг миқдори ва цитоплазмада тақсимланишининг турлича бўлишига кўра, ҳар хил ҳайвонлар зиготасининг майдаланиши ҳам турлича бўлади.

Ланцетник зиготасининг майдаланиши - тўлиқ-текис майдаланишининг классик мисоли бўлиб, А.О.Ковалевский томонидан ўрганилган. Тухум хужайраси оталангач, цитоплазмада сариқ модданинг қайтадан тақсимланиши юз бериб, зиготада сариқ моддадан халос бўлган анимал ва сариқ моддага бойроқ вегетатив қутблар фарқ қилинади. Майдаланиш эгатчаси анимал қутбдан бошланиб, меридианал чизиқ бўйлаб вегетатив қутбгача давом этади. Биринчи ва иккинчи майдаланиш эгатлари бир-бирига перпендикуляр бўлган текисликда меридианал чизиқлар бўйлаб ўтади. Натижада аввал 2, кейин 4 та бир-бирига тенг бластомерлар ҳосил бўлади. Учинчи майдаланиш эгатчаси зигота экваторига параллел ҳолда, экватордан сал юқориқроқдан ўтади ва ҳосил бўлган бластомерларнинг 4 таси қолган 4 тасига нисбатан сал кичикроқ бўлади.

Тўртинчи бўлинишда бир ёла 2 та меридианал эгатчалар ҳосил бўлиб, эмбрионни 16 бластомерга бўлади. Бешинчи бўлинишда иккита кенглик бўйлаб ўтадиган эгатчалар ҳосил бўлиб эмбрионни 32 бластомерга бўлади. Олтинчи бўлинишда тўртта меридианал эгатча, еттинчи бўлинишда тўртта кенглик эгатчалари ҳосил бўлиб, эмбрион 128 бластомерли босқичга келади. Шундай қилиб тўлиқ-текис майдаланишда ҳамма бластомерларнинг синхрон

(бир вақтда) бўлиниши билан амалга ошиб, бластомерларнинг сони геометрик прогрессия бўйича (1,2,4,8,16,32,64,128 каби) кўпаяди. Кейин майдаланишнинг синхронлиги бузилади.

Ташқи кўриниши тут мевасига ўхшаш бўлган, бластомерлар тўпламидан иборат эмбрион морула дейилади. Бластомерлар сони 1000 га етиб пуфакча шаклидаги эмбрион - бластула (бластос-хомила) ҳосил бўлади. Бластуланинг девори бир қават бластомерлардан иборат, ичида эса шилликсмион модда (дирилдоқ) билан тўлган бўшлиқ - бластосел бор.

Бу бўшлиқ тананинг бирламчи бўшлиғи дейилади. Бластулада туб қисм ва қопқокча фарқ қилинади. Қопқокча қисм бластомерлари туб қисмниқига қараганда бироз майдароқдир. Ланцетник зиготасининг майдаланиши шуни кўрсатиб турибдики, олиголецитал тухумлар оталанганда тўлиқ майдаланади, ҳамма материал эмбрион танаси ҳосил бўлишига сарфланади. Тўлиқ майдаланадиган тухумлар голобластик тухумлар дейилади. Бундай майдаланиш натижасида целобластула ҳосил бўлади, унинг катталиги тахминан шу бластула ривожланган тухумнинг катталигига тенг.

Амфибияларнинг мезолецитал тухуми оталаниб зигота ҳосил бўлгач, у тўлиқ-нотекис майдаланишга учрайди. Тухумнинг анимал ва вегетатив қисмлари ланцетник тухумидагига нисбатан анча кескин фарқлар билан ажралиб туради. Анимал қутбда қорамтир-жигарранг пигмент тўпланган, вегетатив қутбда сариқ модда кўп. Сариқ модда цитоплазмага нисбатан оғирроқ бўлганлиги сабабли анимал қутб юқори томонга, вегетатив қутб қуйига қараган ҳолда жойлашади.

Тўлиқ-нотекис майдаланиш юз бераётган зигота бўлинишда тўлиқ иштирок қилса ҳам, бўлинишлар натижасида ҳосил бўлган бластомерларнинг катталиги турличадир. Биринчи ва иккинчи майдаланиш эгатчалари ланцетникдаги йўналишда ўтади. Ҳосил бўлган биринчи тўрт бластомер катталиги жиҳатдан ўзаро тенгдир.


Тухум ҳужайра таркибида сариқ модданинг янада кўпроқ тўпланиши майдаланиш жараёнида янада чуқурроқ ўзгаришлар юз беришига олиб

келади. Сарик модданинг кўплиги вегетатив кутбда майдаланишнинг тормозланишига сабаб бўлади, полилецитал тухумларнинг вегетатив кутби майдаланишда мутлақо иштирок қила олмайди.

Майдаланиш фақат анимал кутбда юз бериб, ҳосил бўлган бластомерларнинг бир қисми эмбрион танасининг шаклланишига сарфланади, қолган қисми эмбриондан ташқи органлар (эмбрион пардалари, вақтинчалик органлар)ни ҳосил қилади.

Бундай қисман майдаланиш меробластик ва дискоидал дейилади ва акулалар, суякли балиқлар, рептилиялар ҳамда қушлар зиготасига хосдир. Меробластик-дискоидал майдаланиш дискобластула ҳосил бўлишига олиб келади. Акулада тухумнинг диаметри 20 см гача бўлиб, дискобластула унинг тахминан 1/500 қисмини эгаллайди.

Гаструляция. Бластула ҳосил бўлиши билан тугайдиган майдаланишдан сўнг гастрүла, яъни икки қаватли эмбрион ҳосил бўлади. Бу жараён гастрүляция, ҳосил бўлувчи ҳужайравий тузилишига эга қаватлар эмбрион варақ (қават)лари дейилади. фарқларни юқорида кўриб чиқдик. Бу фарқлар гастрүляция давомида янада орта боради ва турли ҳайвонларга гастрүляциянинг турли хиллари хос.



3—расм. Тухумдон тузилишининг схемаси

1 — куртак эпителийи; 2 — фолликуляр қават; 3 — томирли қават; 4 — тухумдон дарвозаси; 5 — томирлар; 6 — грааф пуфакчаси.

III. Шахсий текширишлар

3.1. Материал ва текшириш услублари

Битирув иши Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жаррохлик ва фармакология кафедрасига қарашли хирургия клиникаси ва Самарқанд шаҳар ветеринария бўлимида олиб борилди. Материал сифатида 10 та ҳар хил ёшдаги урғочи мушуклар олинган. Улар 5 бошдан 2 гуруҳга бўлинди: I гуруҳга киритилган мушукларда овариоэктомия анъанавий усулда олиб борилди; II гуруҳга киритилган мушукларда овариоэктомия такомиллаштирилган усулда олиб борилди.

Битирув ишини бажариш жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаландик:

1. Анамнез маълумотларини йиғиш. **Анамнез** (anamnesis) - Ҳайвон эгаси ёки ҳайвонга қаровчи шахс билан ўтказилган савол-жавобдан касал ҳайвон тўғрисида йиғилган маълумотлар мажмуасига анамнез деб юритилади. Анамнез икки қисмдан иборат бўлади:

1. Касал ҳайвоннинг ҳаёти тўғрисидаги анамнез.
2. Касалликнинг келиб чиқиш тарихига оид анамнез.

Касал ҳайвоннинг ҳаёти тўғрисидаги анамнезни ўрганиш, ҳайвоннинг қандай шароитда касал бўлиб қолганлигини аниқлашга имкон яратади. Анамнезнинг бу қисмида қўйидаги саволларга жавоб топиш керак:

- а) мазкур хўжаликда ҳайвоннинг қачондан бери яшаб келаётганлиги (агар сотиб олинган бўлса қачон сотиб олинганлигини);
- б) ҳайвон сақланадиган жойнинг ҳолати ва унинг қаерда боқилиши;
- в) ҳайвоннинг боқилиш шароитлари, яъни ем-хашак миқдори ва сифати;
- г) ҳайвон маҳсулдорлиги ва ундан фойдаланиш ва ҳоказолар.

Касалликнинг келиб чиқиш тарихига оид анамнезни ўрганиш, ушбу касалликнинг келиб чиқишига таалуқли маълумотларни аниқлашга имкон яратади. Бу қўйидаги саволларни ўз ичига олади:

- а) касалликнинг қачон аниқланганлиги ва у қандай пайдо бўлгани, яъни бирданигами ёки аста-секинлик билан вужудга келганлиги. Бунда

касалликнинг кечиши (ўткир ёки сурункали) ва шу билан бирга қайси органлар шикастланганлиги аниқланади.

б) касаллик қаерда ва қандай шароитда вужудга келганлиги.

Касал ҳайвонда клиник белгилардан чўлоқланиш, кўриш қобилятининг қисман пасайиши, буйиннинг қийшайиши ва бошқалар бўлиб, тўқималарда ташқи шикастланиш белгилари бўлмаганда касалликнинг қаерда ва қандай шароитда вужудга келганлигини билиш жуда муҳим ҳисобланади. Ҳар қандай аниқ шароитда ҳам хирургик текшириш усуллари кўллаш талаб қилинади. Айрим ҳолларда касал ҳайвоннинг юқумли ва юқумсиз касалликлар билан касалланмаганлигини ёки захарли моддалар билан захарланмаганлигини билиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки юқоридаги касалликлар оқибатида турли хирургик касалликлар: туёқнинг ревматик яллиғланиши, тендинит, тендовагинит, бурсит, артрит ва бошқалар келиб чиқиши мумкин.

в) касал ҳайвон шифохонага (клиникага) келтирилганига қадар қандай даволанганлиги, даволаш учун нима қўлланилганлиги ва ким даволаганлигини билиш келгусида даволаш усуллари ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Албатта анамнез учун тўпланган маълумотлар ҳамма вақт тўғри бўлавермайди, бу кўпинча ҳайвонни олиб келган одамнинг касаллик тўғрисида яхши тушунчага эга бўлмаслиги, баъзан эса касалликни қасддан яшириши бунга сабаб бўлади.

Шундай қилиб, анамнез ҳайвонни текширишдан олдинги ҳолатини характерловчи маълумотларни ўз ичига олади.

Анамнез тўғрисида объектив фикр юритиш учун анамнезни клиник текширишда олинган маълумотлар билан солиштириб кўра билиш жуда муҳим. Ҳайвонни боқувчи ходим билан ўтказилган суҳбатда, олинган ҳамма маълумотларнинг аниқлигини текшириб кўриш керак. Бунинг учун анамнез маълумотларига танқидий нуқтаи назардан қараб, касалликни аниқлашда клиник текшириш натижаларига кўпроқ таяниш мақсадга мувофиқдир. Шунини

алоҳида таъкидлаш лозимки, анамнезга доир маълумотлар тўла-тўқис олинган бўлиши керак. Бекаму-куст тўпланган анамнез, касал ҳайвонга диагноз қўйишда анчагина ёрдам беради даволаш ва олдини олиш чоратадбирларини муваффақият билан ташкил этишни осонлаштиради.

2. Кузатиш (inspectio). Анамнез маълумотлари йиғилганидан сўнг ҳайвонни умумий клиник текшириш, қайсики кўздан кечириш бошланади. Кўрик кундузи табиий ёки сунъий ёруғликдан фойдаланиб ўтказилади. Бу иш муайян тартибда ўтказилади, аввал ҳайвоннинг боши, бўйни, сўнгра кўкрак кафаси, тана қисми, қорни, елини, ёрғоқ, препуция, чаноғи, оёқлари қараб чиқилади. Тананинг жуфт қисмлари таққослаб кўздан кечирилади, бу патологик учокда ташқи клиник белгилар камроқ кузатилганда асқотади. Ҳайвон ҳаракатланганда ва тинч турган ҳолатида кўздан кечирилади. Унинг ҳолатига (ҳолсизланиш, кўзғалиш), тана вазияти, тери ва шиллиқ пардалар кўринишига ва бошқа айрим бир орган касалликларидан хабар берувчи (оқсаш, кўриш қобилятининг йўқолиши) ёки маҳаллий ўзгаришларга (дерматит, экзема, ўсма, кўз шох пардасининг хиралашиши, қалинлашиши) эътибор бериш керак.

Кўрик асосида зарарланган орган ёки шикастланган туқиманинг ўлчами, шакли, ранги ва юзасининг ҳолати (куруқ, ҳўл, текис, ғадир-будир, қон билан қопланганлиги, йиринг, қора-кутир) оқсаш (унинг турлари) ва бошқалар аниқланади.

Касал ҳайвонлар диққат билан кузатилса, касалликнинг кечиши ва клиник манзарасини билиб олиш ҳамда диагноз қўйиш ва самарали даволаш воситаларини белгилаш мумкин бўлади.

3. Пальпация (palpatio) - қўл билан пайпаслаб кўриш. Бу усул ёрдамида маҳаллий ҳарорат, оғриқ реакцияси, патологик ўчоқнинг жойлашган жойи, унинг ҳаракатчанлиги ва таранглиги, тери ва тери ости клетчаткасининг ҳолати, артерия пульсини, суюқликнинг шўлқиллаши, ғижирлаш ва бошқа клиник белгилар аниқланади. Бунда патологик ўчоқдаги ҳақиқий оғриқни, суяк ва пайлардаги физиологик рефлекслардан ажрата билишни ўрганиш

лозим, акс ҳолда уни оғриқ реакцияси деб адашиш мумкин. Мабодо адашилса жуфт органлар таққосланиб текширилади.

4. Аускультация - Органлар иш бажарганда ҳосил бўладиган табиий товушларни текшириш учун эшитиш усули қўлланилади. Эшитиш усули билан текширганда хона ёпиқ бўлиб, шовкин, қўшимча товуш бўлмаслиги керак. Ўз вазифасини бажарганда фақат юрак кекирдок ўпка, ошқозон ва ичакларда табиий товушлар ҳосил бўлади. Шунинг учун эшитиш усули билан шу органлар текширилади. Ички органларда ҳосил бўлган товушлар бўшлиқларда ҳамма томонга қараб тарқалади. Товуш ҳосил бўлган орган қанчалик узоқ бўлса, товуш ҳам шунчалик секин эшитилади.

Эшитиш усули 2 га бўлинади:

1. Воситасиз аускультация - текширилаётган орган устига тоза материал ёпилиб, бевосита қулоқ, ёрдамида эшитилади. Бу усул билан товуш қандай бўлса шундайлигича, ўзгартирмасдан эшитилади.

2. Воситали аускультация - бунда органлар стетоскоп ёки фонендоскоп асбоблари ёрдамида эшитилади. Эгилувчи стетоскоп ёрдамида касал ҳайвон қандай ҳолатда бўлса ҳам текшириш мумкин бўлади. Воситали эшитишда стетоскоп қўлланилса, органларда ҳосил бўлган товушларни айнан ўзи эшитилади, фонендоскоп қўлланилса товуш анча кучайтирилади ва қисман ўзгаради.

Стетоскоп (грекча сўздан олинган бўлиб, Stethos - кўкрақ Skopeo - кўраман деган маънони билдиради) қаттиқ ва эгилувчан бўлиши мумкин. Қаттиқ стетоскоп ёғочдан ёки металлдан тайёрланган трубка бўлиб, икки томони воронкасимон кенгайган бўлади. Кичкина кенгайган томони текшириладиган орган юзасига, катта кенгайган томони қулоққа қўйилиб эшитилади. Қаттиқ стетоскоп товушни ўтказувчи ёпиқ тизимдир. Бунда врач боши билан стетоскопини ҳайвон танасига зич тутиб туради. Эгилувчан стетоскоп металлдан тайёрланган трубкача бўлиб, бу трубкача резина трубкача ва қулоққа қўядиган мослама билан бириккан бўлади. Бу стетоскоп билан ҳайвоннинг ҳар қандай ҳолатида текшириш ўтказиш мумкин.

Фонендоскоп (грекча сўздан олинган бўлиб, Phone - товуш, endon - ички, Skopeo - кўраман деган маъноларни билдиради) товушларни мембранаси ёрдамида кучайтирадиган эшитиш асбобидир. Фонендоскоп ёрдамида кучсиз товушларни ҳам эшитиш мумкин. Ҳозирги вақтда стетофонендоскоп асбоби қўлланилади.

Инструментлар ёрдамида эшитганда стетоскоп ёки фонендоскоп текшириладиган орган юзасига зич қўйилади, орган юзаси билан асбоблар ўртасида буш жой қолмаслиги керак. Чунки бу пайтда ҳайвоннинг нафас олиши, қимирлаши натижасида жун стетоскоп ёки фонендоскопга ишқаланиб, қўшимча товуш ҳосил бўлишига олиб келади ва врач нотўғри хулоса чиқариши мумкин. Аускультация пайтида стетоскоп ёки фонендоскоп органнинг бир жойига қўйилиб, шу органнинг 2-3 ишлаш товушини эшитиб, кейин асбоб жойи ўзгартирилади. Жуфт органлар бўлса, аввал бир томони, кейин иккинчи томони эшитилиб, таққосланади.

5. Термометрия - грекча сўз бўлиб, Thermo - иссиқлик Metreo - ўлчаш деган маъноларни билдиради. Тана ҳароратини ўлчаш ҳайвонларни текширганда албатта ўтказилади ва катта диагностик аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай касалликда кўзга кўринадиган белгилар келиб чиққунча тана ҳарорати ёки кўтарилади, ёки пасаяди. Тана ҳароратини ўлчаш билан касалликни бошланиш босқичларида аниқлаб олишимиз мумкин, касалликни даволаганда даволаш қандай натижа бераётганлигини аниқлаш мумкин. Тана ҳароратини ўлчашда Цельсийнинг максимал термометри ёки электро-термометрлар ишлатилади.

3.2. Ҳайвонларнинг кўпайиш органларини анатомио-топографик тузилиши

Урғочи ҳайвонларнинг жинсий органларига, тухумдон, тухум йўли, бачадон, қин, қин даҳлизи ва ташқи уят лаблар киради. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг урғочилик жинсий аъзолари ўзларининг анатомик тузилишига кўра бир – бирларидан шаклининг тузилиши билан фарқланади.

Ҳайвонларнинг жинсий органлари уларни ёшига нисбаттан ҳам бир – бирларидан тафовутлашади.

Тухумдон – ovarium (ophoron), - жуфт орган бўлиб, қорин бўшлиғида буйрақларнинг орқароғида жойлашади. Тухумдон хужайралар ва жинсий гормонлар ишлаб чиқарадиган орган. Тухум хужайралар тухумдонда етилиб, тухум йўлига тушади. Ҳар хил сут эмизувчи ҳайвонлар тухумдони турли шаклда бўлади. Тухумдонлар бачадоннинг кенг пайига ва тухум пардасига бирлашган бўлади.

Тухумдоннинг икки чети, найсимон бачадон томонга қараган юзаси, эркин пардага туташган чети, ён ва ўрта юзаси бўлади. Тухумдоннинг найсимон қисмига тухум йўлининг воронкаси, бачадонга қараган қисмига эса тухумдон пайи - lig.ovari бирлашади. Тухумдонда ишланган тухум хужайралар аниқ йўл билан эмас, балки грааф пуфакчалари ёрилиши натижасида тухум йўлига тушади. Тухумдон компакт орган бўлиб, унинг ички қисмида жуда кўп бириктирувчи тўқима бор, улар хужайра элементларига жуда бой бўлади. Тухумдоннинг иккита: ташқи – фолликуляр ва ички – қон томирлари зонаси бўлиб, ташқи зонанинг устки юзаси бошланғич эпителий билан қопланган. Ички бириктирувчи тўқималарда жуда кўп қон ва нерв томирлари бўлади. Ташқи фолликуляр зонада тухум бошланғичлари бўлиб, улар олдинма – кейин етила бошлайди. Фолликуляр зонада сариқ тана ва оралик хужайралар ҳам бўлади.

Етилган фолликула пуфакчалари ёрилиши натижасида тухум фолликуляр суюқлик тухум йўлига тушади, бу процесс овуляция - ovulatio дейилади. Ёрилган грааф пуфакчаси ўрнида фолликуляр эпителий ҳисобидан сариқ тана - corpus luteum ривожланади. У ички секреция безидир. У ҳайвон бўғоз вақтида яхши ривожланади. Кавш қайтарувчи ҳайвонлар тухумдон овал шаклда бўлиб, белнинг ёнбош суягига яқинроқ жойида осилиб туради. Сигирлар тухумдони 14 – 19 г, қоракул қўйларники 1.7 г, эчкиларники 2.5 г гача бўлади. Чўчқалар тухумдони У – УІ бел умуртқаси рупарасида жойлашади. Унинг юзаси тут меваси сингари ғадир – будур бўлади, чунки

улар кўп бола туғади. Бир туёқлиларнинг тухумдони ёш вақтида эллипс шаклда бўлиб, катта ёшида ловия шаклига киради. Унинг эркин юзасида овуляция чуқурчаси бўлади. Тухумдон сероз парда билан ўралган. Унинг узунлиги 5 – 8 см, вазни 80 г келади. Итлар тухумдони III – IV бел умуртқаси рўпарасида жойлашади.

Тухум йўли – *tuba uterine s. oviduktus* эгри найча бўлиб, тухумдон билан бачадон шоҳи ўртасида жойлашади. У тухумдонда етилган тухум хужайраларни бачадонга ўтказиш учун хизмат қилади. Тухум йўлининг олдинги, ёпишган қисми воронкага ўхшаш кенгайган жой – *infundibulum tubae uferinae* ҳосилқилади. Унинг кертикли жойи тухум йўлининг шокиласи – *fimbria tubae* дейдади. Шокиланинг бир оз қисми тухум донга кўшилиб, тухумдон шокиласи – *fimbria ovarika* ҳосил қилади, унга етилган тухум тушиб туради. Тухум йўлининг девори уч қаватдан: ички – шилимшиқ, ўрта мускул ва ташқи – сероз қаватлардан тузилган: ички қават тебранувчи эпителий хужайралари билан қопланган бўлиб, улар секин ҳаракатланиши натижасида, тухум хужайрани тухумдондан бачадон томон ҳайдайди. Сероз парда тухумдон пардасининг давоми бўлиб, тухумдон бурмаси (тухумдон пардаси) *mesosalpinx* дейилади. Бу парда бачадоннинг кенг пайи – *lig. latum uteri* дан келиб чиқади. Тухум йўлининг орқа қисми бачадон тешиги – *ostium uterinum tubae* ҳосил қилиб тугайди. Тухум йўлининг узунлиги сигирларда 21 – 28 см, қавш қайтарувчи майда ҳайвонларда 14 – 26 см, дияларда 10 – 30 см, чўчқаларда 15 – 30 см, итларда 4 – 10 см гача бўдади.

Бачадон – *uterus s. metra* ковак орган бўлиб, унда ҳомила ривожланади. Бола туғишга қараб ҳайвонлар бачадони ҳар ҳил: масалан, кўп бола туғадиган ҳайвонларда узун ҳамда кўп бурмали бўлади. Сут эмизувчи ҳайвонларнинг бачадони тузилишига қараб 4 типга бўлинади:

Кўшалок бачадон – *uterus duplex* нинг ўнг ва чап қисми сақланиб, буларнинг ҳар бири бачадон қинига айрим тешикчалар билан очилади. Баъзи кемирувчиларда (куён), филларда ва бошқаларда ана шундай бачадон бўлади.

Иккига бўлинган бачадон – *uterus bipartis* нинг қўшалок бачадонда фарқи шуки, унинг иккала қисми бир – бирига яқинлашиб, бачадон қинига битта тешик билан очилади. Кемирувчилар бачадони ана шундай бўлади.

Икки шоҳли бачадон – *uterus bisornis* нинг иккала қисми бир – бирига бирлашиб, бачадон танасини ҳосил қилади, танасидан иккита шоҳча чиқиб туради. Бу бачадоннинг шоҳи – *cornua uteri* танаси – *corpus uteri* ва бўйини – *collum uteri* бўлади. бундай бачадон ҳамма қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларида бўлади.

Оддий бачадон - *uterus simplex* нинг ўнг ва чап қисми бир – бирига қўшилиб кетади. Тухум йўли иккиталигича қолади. Бундай бачадон юқори ҳайвонлар ва одамларда бўлади.

Икки шоҳли бачадон жуфт шоҳ – *cornua uteri*, тана- *corpus uteri* ҳамда бўйини - *cervix uteri* дан иборат бўлиб, шоҳи ва танаси бўшлиқ – *cavum uteri* ҳосил қилади. Бачадон анчагина қалин бўлиб, орқа қисми бачадон қинига туғма шаклда очилади. Бачадон уч қаватдан: ички – шилимшиқ парда, ўрта – мускул парда ва ташқи – сероз парда қаватларда иборат.

Шилимшиқ парда – *endometrium* цилиндрсимон эпителий ҳужайралари билан қопланган, унда найсимон безлар - *glandula uteri* бор. Шилимшиқ парда ҳайвонларда ҳар қил бурма ҳосил қилади.

Мускул парда – *myometrium* силлиқ мускул тўқимасидан иборат бўлиб, уларнинг танаси икки томонлама: ташқиси узунасига, ичкиси айланасига жойлашади. Мускул қавати бачадон бўйнида айниқса яхши ривожланиб, сфинктер ҳосил қилади. Сфинктер фақат ҳайвонлар куюкканда ва туғиши вақтида очилади.

Сероз парда – *perimetrium* ташқи парда бўлиб, у бачадан пардаси ва кенг пай билан қўшилади ва бачадонни тутиб туриш учун хизмат қилади. Бу пардалар орқали бачадонга қон томирлари ва нервлар боради. Бачадоннинг тузилиши ҳамма ҳайвонларда бир қил бўлмайди. Қорамолларда спирал шаклида буралган, ҳудди қўй шоҳига ўхшаш бўлади. Ҳар иккала шоҳ

ўртасида шоҳлар аро пай -lig intercormale бор. Бачадон бўйни анчагина калин (7 -11 см) бўлади.

Бачадон шоҳлари ва танасининг шилимшиқ пардасида тўрт қатор жойлашган карункулалар (сўгалсимон ўсиқлар) бўлиб, уларга йўлдошнинг туклари киради, ўсаётган бола керакли бўлиб, озиқни ана шу туклар орқали олади. Карункулалар ҳар қаторда 10–14 гача бўлади. Бачадон тос бўшлигида туғри ичак остида жойлашади. Қўй ва эчкилар бачадони ҳам қорамолларникига ўхшаш бўлади. Чўчкалар кўп туғиши сабабли бачадони жуда узун – 2 м гача бўлиб, ичаксимон ўралиб жойлашади, унинг танаси калта, бўйни эса анчагина узун. Бачадон бўйни бачадон қинига қўшилиб кетади, унинг шилимшиқ пардаси 14–20 та ён думбоқча бўлади. биялар бачадони анчагина оддий тузилган бўлиб, шохи танасидан, бир оз узун, бўйни йўғон, қинга очиладиган тешиги – ostium uteria externa узун бурма шаклидаги шилимшиқ парда билан ўралган бўлади. Бачадон III–IV умуртқалари рўпарасида жойлашган бўлади.

3.3. Анъанавий усул билан овариоэктомия ўтказиш техникаси

Кўрсатмаси: Керак бўлмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, айрим тухумдон касалликларини олдини олиш ва даволаш, жинсий органлар ва сут беzi ўсмаларини олдини олиш мақсадида бажарилади.

Фиксация ва оғриқсизлантириш: Мушуклар орқада ётган ҳолатда фиксация қилинади. Умумий оғриқсизлантириш ва ҳаракатсизлантириш мақсадида мускул орасига 1 мл 2,5 % ли аминазин ва 0,5 мл 2 % ли кетамин эритмаси юборилади. Кесим чизиғи бўйлаб 10 мл 0,5 % ли новокаин эритмаси юборилади.

Асбоблар: Ҳар доим ишлатиладиган асбоблар: кесувчи-скальпель, қайчилар, қон тўхтатувчи Кохер, Пиан, Бильрот қисқичлари, ёрдамчи-жароҳат илгаклари, хирургик пинцет, бириктирувчи-Гегар игна тутқичи, ҳар хил хирургик игналар, махсус Дешан лигатура игнаси.

Операцияга тайёргарлик кўриш:

а) Асбобларнинг стерилизацияси – бу икки хал усул билан олиб борилади:

1. Иссиқ усул – юқори даражали ҳарорат таъсирида асбоблар юзасидаги мавжуд микробларни йўқотиш. Бу усул қуйидагиларга бўлинади: қайнатиш, оловда қуйдириш ва иссиқ ҳавони қўллаш ҳамда автоклав ёрдамида;

2. Ветеринария соҳасида қайнатиш кенг тарқалган усул бўлиб ҳисобланади. Асбобларни қайнатиш учун стерелизатордан ёки бирор-бир эмалланган қопқоқли идишдан фойдаланиш мумкин. Стерелизатор икки хил бўлади: оддий ва электр. Қайнатишдан олдин барча операцияга керакли асбоблар ишга яроқлилиги текширилади, мураккаб асбоблар қисмларга ажратилади, игналар мандрен билан тозаланади, кесувчи асбоблар докага ўралади.

Стерелизаторга сув етарли миқдорда қуйилади, яъни асбоблар юзасидан 1-2 см юқориқ кўтарилиши керак. Шприцларни қисмларга ажратиб дистилланган сувда қайнатиш керак. Резинали асбоблар дистилланган сувда докага ўралган ҳолда қайнатилади.

Қуйдириш усули – бу усул тезкорлик билан бажарилаётган операцияларда қўлланилиши мумкин. Бунинг учун асбоблар эмалланган идишга солинади, устидан 96⁰ спирт қуйилиб ёқилади, биров совугандан кейин уларни ишлатиш мумкин. Олов таъсирида микроблар тез нобуд бўлади, лекин бу усул бир неча марта қўлланилгандан кейин асбоблар хиралашиб ишдан чиқади.

Иссиқ ҳаво ёрдамида стерилизация қилиш учун асбоблар қуритгич шкафига қуйилади ва 150-160⁰ ҳароратда 20-30 минут давомида стерелизация қилинади.

Автоклав усули – уни бир жойда ишлатиш мумкин. Бунинг учун хирургик асбоблар биксларга ишлатилиш гуруҳларига қараб солинади ва 1 атмосфера босимда 40 минут давомида автоклавда стерелизация қилинади.

Совуқ усул ёки дезинфекция – бунда асбобларни стерелизация қилиш учун кимёвий антисептик эритмалар қўлланилади. Улар бактерицид, бактериостатик хусусиятларга эга бўлиши керак. Бу усулни қайнатишни иложи бўлмаган вақтда қўллаш мумкин. Бунинг учун асбоблар эмалланган идишга солинади ва унга ботгунча устидан эритма қуйилади, дезинфекция 30-60 минут давом эттирилади, бунда формалин 20,0; карбол кислотаси 3,0; натрий бикарбонат 150, сув 1000; 5 % карбол кислотаси; 1 % яшил бриллиант; 1:1000 этакридин лактат, 1-2 % лизол эритмалари ишлатилади.

б) чоклаш, боғлам материални стерелизацияси: бунда босими орқали стерелизация қилинади – автоклавга ва бошқа буғ оқадиган аппаратлар ёрдамида боғлов материаллари, оқликлар ва буюмларни стерелизация қилиш учун бикс қутисига қоидага биноан тартиб билан кетма-кет жойлаштирилади. Биксни автоклавга жойлаштиришдан олдин унинг қопқоғини маҳкам ёпиш, ён деворида бўлган тешикларни эса очиқ қолдириш керак. Биксни автоклавга жойлаштириб қопқоғини ўзида бўлган болтлар ёрдамида мустаҳкам беркитиш керак. Автоклавнинг пастки кранидан ҳаво чиқиши билан кран ёпилади ва автоклавнинг ички босимини 1 атмосферага етказиб, у ердаги бўшлиқларда жойлашган совуқ ҳаво чиқарилади, шундан сўнг кран ёпилади ва керакли босимга кўтарилган муддатдан бошлаб стерелизация жараёни бошланади. Қоидага кўра автоклав усули билан стерелизация қилиш учун 1 атмосфера босимда 40 дақиқа, 1,5 атмосферада 30 дақиқа, 2 атмосферада 20 дақиқа вақт сарфланади.

Тикув материаллари тўқималарни бирлаштириш учун ишлатилади ва улар узоқ вақт тўқималарда сақланади. Шунинг учун улар стерил бўлмаса микроблар манбаи бўлиб, тўқималарда яллиғланиш жараёнини чақириши мумкин. Ҳайвон организмни ҳимоя мослашув реакциясини юқори бўлган вақтда инкапсуляцияга учраб, кейинчалик крептоген инфекциянинг манбаи бўлиши мумкин. Операциядан олдин тикув материалларининг стерелизациясига катта этибор қилиш керак.

Ипак ва пахта ипларни стерилизация қилишдан олдин уларни яхшилаб совун билан иссиқ сувда ювиб, шиша ғалтакка бўш ўралади, ундан кейин стерилизацияни бажариш учун қуйидаги усуллардан бирортасини қўллаш мумкин:

Н.В. Садовский усули. Ипакни (ёки ипни) 15 дақиқа давомида 0,5 % новшадил спирти эритмасига ботириш керак. Ундан кейин ипни тоза қисқич билан 2 % формалин эритмасига, 65⁰ спирт аралашмасига кўчириш лозим (2,0 формалин, 68,0 96⁰ спирт, 32,0 сув) ана шу эритмада ипни фойдаланиб бўлгунча сақлаш керак. Лекин 15 дақиқадан кам бўлмаслиги шарт.

Дениц усули. Ипак (ёки газлама ип) 1:1000 сулема эритмасида 15 дақиқа қайнатилади. У ишлатилгунча тоза спиртда сақланади. Лекин ипни ишлатишдан олдин 1:1000 сулема эритмасида қайтадан 15 дақиқа қайнатилади.

Кохер усули. Ипакни ёғсизлантиришдан олдин уни 12 соат мобайнида аввал эфирда сақлаб, кейин 1:1000 сулема эритмасида 10 дақиқа қайнатиб, тоза қисқич орқали тоза спиртга кўчириш керак. Операциядан олдин ипак ипни яна шу сулема эритмасида иккинчи маротаба қайнатиб олиш керак.

Гинковский усули. 3 соат мобайнида ипак ипни 8 % формалин ва 5 % таниннинг тенг қисмли эритмасида сақлаш керак.

Тур усули. Ипак 1 % йод эритмасида 24 соат мобайнида ушланади.

Капрондан ишлаб чиқилган иплар 20 дақиқа мобайнида дистилланган сувда қайнатилиб стерилизация қилинади, шунинг билан бирга синтетик материаллардан ишлаб чиқилган ипларни ҳам шу усул орқали стерилизация қилиш керак.

Грос-Бартолеми усули. Газлама ипларни 4 % формалиннинг сувдаги эритмасида 24 соат мобайнида сақлаб стерилизацияга эришилади.

Губарев усули. Кетгутни стерилизация қилиш. Кетгут 12 соат бензинда ушлаб ёғсизлантирилади, қурутилади, кейин 30 см узунлигида алоҳида-алоҳида кесилади. (Ҳар бир боғламда 10-20 дона). Уни 14 соат

мобайнида йод эритмасида ва калий йодитда (1,0 кристалли йод, 20 калий йоди, 100,0 спирт ректификат) сақлаш керак.

Покотило усули. Кетгутни ёғсизлантормасдан 4 % формалин эритмасига 72 соат солиб қўйиш керак.

Садовский-Котилев усули. Кетгутни 0,5 % новшадил эритмасига 30 дақиқа солиб, кейин тоза қисқич билан уни 2 % формалин эритмасида тайёрланган 65⁰ спиртга ўтказиб, ишлатилгунга қадар сақлаш керак.

в) Қўлни операцияга тайёрлаш:

Одам териси доим микроорганизмлар манбаи бўлиб келади. Улар асосан терида жойлашган нотекисликлар, ажинлар, тери ва ёғ безлари, туклар пиёзчаларида жойлашади. Терининг юзаси эпидермис қавати билан қопланган, у муҳим ва мураккаб бўлиб, тана ва асосий терини ташқи муҳитдан ҳимоя қилади. Эпидермис қатлами доимо нобуд бўлиб яна янгиланиб туради.

Кейинги қатлам тери асоси ёки чин тери дерма, у бириктирувчи тўқимадан ҳосил бўлган, унда тери безлари (ёғ ва тер) қон, лимфа томирлар, нерв толалари, рецептолар ва тукларни илдизи жойлашади.

Ундан кейин ости қавати жойлашган, у сийрак бириктирувчи тўқимадан тузилган, терини ташқи қавати ёғ билан қопланган, у триглицерин ва ёғ кислоталари аралашмасидан ташқил топган. У эпидермисни қуруқ хавода қуришдан, намликда эса мацерациядан сақлайди, шунинг учун нормал ҳолатда қўлнинг териси эластик ва инфекцияга қарши мустаҳкам бўлади, Терининг ёғи, ёғ безларидан ишлаб чиқарилади, улар айниқса қўлнинг кафтини орқа тарафидан кўпроқ жойлашган. Тер безлари - терни ишлаб чиқаради у билан организмдан кераксиз моддалар чиқарилади, уни хар доим ишлаб чиқарилиши терини намлигини ва юмшоқлигини сақлаб туради. Улар айниқса кафтда кўп жойлашган 1 см – 1000 гача ва бир суткада 65 то 800 гр тер ишлаб чиқаради.

Микроблар фақат тери юзасида эмас, балки ёғ ва тер безлари йўлларида ҳам жойлашади, улар ичида 10 % патоген бўлиши мумкин. Текширишларга

кўра одам кўлининг терисида ҳар доим жуда кўп миқдорда микро-организмлар мавжуд, асосан улар терини нотекисликларида, тирноқ ости бўшлиғида жойлашади.

Микроблар айниқса ветеринария врачларни кўлида кўп миқдорда бўлади, чунки улар ҳайвонлар билан ишлайди. Микробларни миқдори эластиклигини, силлиқлигини йўқотган, шикастланган терида кўпайади. Шунинг учун хирурглар ва врачлар кўлнинг терисига эътибор бериб юриши керак, агарда эластиклиги, юмшоқлиги йўқолса Тушнов суюқлигини суртиш лозим, таркиби: кастор ёғи – 5,0, глицерин – 20,0, этил спирти - 75,0 ёки кўлга суртиладиган бирор бир малҳам суртилади. 1885 йилда Камлел хирурглар орасида биринчи марта кўлларни операциядан олдин ювиш шарт эканлигини таклиф қилди. Шундан сўнг фанлар тараққиётига асосланиб янги усуллар ишлаб чиқилди ва хирургик амалиётга тадбиқ этилди.

Кўлларни тайёрлаш усуллариининг асосида уч босқич ётади:

- 1) механик тозалаш
- 2) кимёвий дезинфекция
- 3) терини қотириш

Механик тозалаш – тери юзасида ажралган эпидермисни, микробларни ва тирноқ ости бўшлиғидан ифлосликларни йўқотишга қаратилган. Уни ўтказиш учун щетка, илиқ сув ва сочиқ керак.

С.И.Спасокукоцкий ва И.Т.Кочергин (1928) совуннинг ўрнига 0,5 % ли нашатир спиртини сувдаги эритмасидан файдаланишни тавсия этадилар.

Бу эритма терини жуда яхши ва чуқур ёғсизлантиради. Кўлни ювилиши тирсакдан бошланиб бармоқ учларида тугалланади, стерил сочиқ билан қуритилиши бармоқ учларидан то тирсакгача олиб борилади.

Кимёвий дезинфекция – бунда бактерицид хусусиятларга эга бўлган кимёвий эритмалар кўлланилади, буларга 70 спирт, 1:2000 калий ишқори, 3% рух сульфати, 0,1% сулема ва бошқалар. Эритмалар ювилган кўл терисидаги қолган микроб ва бактерияларни йўқотишга ёрдам беради, бу билан тери стерил ҳолатига яқинлашади.

Лекин бу эритмалар тер ва ёғ безлари йўлларида мавжуд бўлган микробларга таъсир қилмайди. Уларни терини юзасига вақтинча чиқмаслигини олдини олиш мақсадида терини қотириш тавсия этилади. Қотириш натижасида қўл терисининг юза қисми зичланади, бу эса безлар секретини чиқишини олдини олади. Бунинг учун қуйидаги эритмалар қўлланилади: 96 спирт, 5% танин, 1:1000 йоднинг спиртдаги эритмаси ва бошқалар. Улар тампонлар ёрдамида терига суртилади, айниқса бармоқ учларига эътибор берилади.

Ҳозирги вақтгача маълум бўлган қўлларни тозалаш усуллари мутлоқ стерилликни таъминламайди. Шу сабабли 1891 йилда америкалик хирург Холстед операция ўтказиш вақтида резина қўлқопларни кийишни таклиф қилди. Резинадан ясалган қўлқопларнинг ишлатилиши операция қилувчининг қўлини тўла стериллигини таъминлашга имкон беради.

Операция вақтида қўлқопларнинг йиртилиши мумкинлигини назарда тутиб, уларни кийишдан олдин юқорида баён қилинган усуллардан бири бўйича қўлларни пухта тозалаш лозим. Қўлқопларни стериллаш ва файдаланишида қуйидагиларга эътибор қилиш керак:

1. Ичига ва сиртига талък сепиб автоклавда стерилланади.
2. Қўлқоплар 15 минут давомида сувда докага ўраб кайнатилади.
3. Қўлқопларни кийгандан кейин уларни спирт билан артиш лозим.
4. Операция вақтида қўлқопларни бутунлигини диққат билан кузатиш ва йиртилганда тез алмаштириш лозим.

г) Операция майдончасини тайёрлаш:

Хирургик операция ўтказишдан олдин операция майдончасини тайёрлаш катта аҳамиятга эга, чунки ҳайвон терисида ва терининг устки қаватида ҳамма вақт ифлосликлар, кўп миқдорда микроблар мавжуд, тайёрланмаган операция майдончаси орқали операция ўтказиш вақтида жароҳатга ифлосликлар, микроблар тушиб яллиғланиш жараёнини ривожлантиради. Операция майдончасини тайёрлаш тўрт босқичдан иборат: терини устки қаватини (жунни, тукни) ни олиш, механик тозалаш ва ёғсизлантириш,

кимёвий дезинфекция ва қотириш, майдончани чегаралаш. Операция қилинадиган жойдаги жунлар, туклар қайчи ёрдамида қирқилади ёки усти арра ёрдамида қириб олинади, охиргиси яхши тозаланишни таъминлайди. Жунни тушириш учун депиляторлардан фойдаланиши мумкин. Бу жуда керакли тадбир, чунки жун билан бирга чанг, ифлосликлар, кўп миқдордаги микроорганизмлар олиб ташланади. Операциядан бир сутка ёки 12 соат олдин ҳайвонни операция қилинадиган жойи иссиқ сув, совун ва щеткалар ёрдамида ювилади. Айниқса чот, дум, сон, жинсий органлар, уруғдон халтачаси атрофи синчиклаб ювилади, чунки улар жуда ҳам ифлосланган бўлади. Туёқларда ўтказиладиган операцияларда ювишдан ташқари 2% креолин эритмасида ванна қилинади. Зудлик билан бажарилаётган операцияларда ифлосланган майдонча 0,5-1% ли нашатир спирт эритмаси ёрдамида тозаланиб эфир билан ёғсизлантирилади.

Операция майдончасини дезинфекция қилиш ва қотириш мақсадида, бактерицид ва қотириш хусусиятларига эга бўлган кимёвий эритмалардан фойдаланиш тавсия қилинади. Буларга қуйидагилар киради: 5-10 % ли йоднинг спиртдаги эритмаси, 5% танин, 5% пикрин кислотаси, 10% калий перманганат, 1% яшил бриллиант, Аятин, Асепур, Септонекс, 96⁰ спирт, Бохерс суюқлиги (формалин 5,0 эозин 0,05 спирт – 95,0). Эритмалар операция майдончаси чотга қараб айлана шаклида ҳаракат қилиб суртилади. Фақат йиригли ўчоқларни ёришда; четдан марказга қараб суртилади.

